

## “Тараққиёт” кашф этган истеъдодлар

*Бугун юртимизда зукко, билими ёшларга ўз истеъдодларини намоён этиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Буларнинг барчаси мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялашдек эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг амалдаги ифодасидир.*

ITASCI



2018 йил 30 майдаги Республика Президентининг “Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳам айнан ана шундай салоҳиятли ёшларимиз учун яна бир имкониятдир.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва “Буюк келажак” Халқаро нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигига ташкил этилган бўлиб, натижалари бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимиятларнинг ва бошқа ташкилотларнинг юқори малакали кадрлари аниқланиб, йўналишлар доирасида давлат ташкилотларига раҳбарлик лавозимларига тайинланиши белгиланган эди.

Давлат ва жамият бошқаруви, суд-хукуқ, молия-саноат, иқтисодиёт, АҚТ, қишлоқ хўжалиги, архитектура ва қурилиш, солик, божхона, фан-таълим ва маданият, соғлиқни сақлаш, ташқи сиёсат, транспорт-логистика соҳасидаги энг яхши бошқарувчи каби 16 номинациялар бўйича танлов ўтказилди.

Ўй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги иссиқликтаъминоти обьектларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, бўлим бошлиғи Джонрид МИРЗАЕВ “Комму-

нал хўжалик соҳасидаги энг яхши бошқарув” номинацияси бўйича танловда 1-ўрин соҳиби бўлди. Шу муносабат билан эришган муваффақиятлари билан кутлаш ҳамда танлов шартлари ва натижаларини билиш мақсадида қаҳрамонимизни сұхбатга тортидик.

- Джонрид Абдуахадович, ушбу танловнинг йўналиши ва унинг иштирокчилари тўғрисида маълумот берсангиз.

- Мамлакатимизда истиқболли бошқарув кадрларини тизимили танлаб олишни таъминлаш, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият ҳамда бошқа давлат органлари ва ташкилотлари тизимида уларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириб боришга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган “Тараққиёт” биринчи танловида 8 минг 334 номзод рўйхатдан ўтган бўлса, ишчи гурӯҳ томонидан тавсия этилган 3 минг 825 талабгордан 100 нафар иштирокчи финал босқичига йўлланмани қўлга киритди, 50 нафар иштирокчи якуний босқичда ғолиб бўлди.

- Танлов қай тартибда амалга оширилди?

- Қарийб 10 ой давом этган танловда асосан олий маълумотга эга, тегишли соҳада камида 3 йил раҳбарлик лавозимида фаолият юритган 30 ёшдан 45 ёшгача бўлган Ўзбекистон фуқаролари қатнашдилар. Танлов

## ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА

4 босқичда амалга оширилди. 1-босқичда веб-сайтдан рўйхатдан ўтиб, анкета тўлдирилди. Сўнг ақлий салоҳият (IQ) тест, психологиярлик ва хорижий тилларни билиш даражаси аниқланди. Кейинги босқичларда иштирокчиларнинг сиёсий-хуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий билимлари синовдан ўтказилди. Шунингдек, йўналиш бўйича белгиланган мавзу доирасида ёзма-таҳлилий хужжат ёздики. Шундан сўнг лидерлик қобилияти ва стрессга чидамлилик бўйича ҳам синовдан ўтдики. Сўнгги босқичда эса барча йўналишлар бўйича касбий маҳорат ва тажрибаларимиз ҳайъат аъзолари суҳбатидан ўтиш орқали баҳоланди.

- Танловдан сўнг ғолиблар қандай имтиёз ва имкониятларга эга бўлдилар?

- Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академиясида тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ғолиблар тегишли йўналишлар бўйича давлат ташкилотларига раҳбарлик лавозимларига тайинландилар. Шунингдек, уларга энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорида, финал босқичи иштирокчиларига эса 25 баробари миқдорида пул мукофотлари топширилди. Шу билан бирга ғолиблар жорий йилнинг декабр ойига қадар ривожланган хорижий мамлакатларнинг соҳага доир ташкилотларида 1 ойдан 3 ойгача малака оширадилар.

- Бугунги кунда ёш мутахассис-кадрларнинг бошқарувдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратиляпти. Танловда ёшларнинг иштироки қай даражада бўлди?

- Дарҳақиқат, бугун юртимизнинг барча жабхаларда ёшларнинг салоҳиятли иштироки яққол кўзга ташланмоқда. Ёш раҳбар-ходимларнинг сафи кенгаймоқда. Бугун Ўзбекистонда ёшларнинг нафақат хуқуқий, маънавий, иқтисодий-сиёсий манбаатлари ҳимоя қилинмоқда, балки уларнинг давлат бошқарувидаги роли ҳам ошмоқда. Жамиятимизда ўзининг билими,

салоҳияти ва истеъодиди билан ажралиб турувчи ёшларимизнинг кўпчилиги босқичма-босқич раҳбарлик лавозимларига тайинланмоқда. Чунки улар ўз Ватани олдидағи бурчи ва мақсад-вазифаларини теъран англаб етганлар.

- Сиз ҳам ёш, салоҳиятли раҳбарлардан бирисиз. Шунингдек, Ислом Каримовномидаги Техника университетида профессор Р.П. Бобоходжаев раҳбарлигига муҳим мавзуда докторлик диссертацияси устида ишламоқдасиз. Шу билан бирга ушбу университетнинг Энергетика факультети талабаларига илм зиёсини тарқатасиз. Сизга қандай лавозим таклиф этишди?

- Танловда қатнашишдан мақсадим қандайдир юқори раҳбарлик лавозимига эга бўлиш эмас, балки ўз билим ва тажрибамни синовдан ўтказишдан иборат эди. Олдинда ривожланган мамлакатларда малака оширишдек масала турибди. Мен учун, энг муҳими, докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш. Лавозим масаласи илмий ишим ҳимоясидан кейин амалга ошса, нур устига аъло нур бўларди.

- Сиз каби ғолибликни қўлга киритган мутахассисларга тилакларингиз.

- Яқинда келажақда танлов ғолиблари мамлакатимизнинг турли юқори лавозимларида фаолият юритишлари кутилмоқда, мен уларнинг ишларига муваффақият тилаган ҳолда чин маънода ватанпарвар, халқпарвар раҳбар бўлишларини истар эдим. Мамлакатимиз тараққиёти ва равнақи йўлида уларни истеъоддарини амалда намоён этишларини жуда-жуда истардим. Шу ўринда мазкур танловнинг ғолиби сифатида шуни ғурур ва ифтихор билан айтаманки, “Тараққиёт” танлови ғолиби номига муносиб бўлиб, халқимиз фаровонлиги ва ватанимиз равнақи йўлида ўз билим ва салоҳиятимни ишга соламан.

Арофат МИРМУҲАМЕДОВА

